

“Лайли ва Мажнун” достонида қўлланилган ўзлашма сўзлар

Доц.С.Сойипов (ЖДПУ),

М.Исоқова магистрант

Аннотация

Ушбу мақолада “Лайли ва Мажнун” достонида қўлланилган форсча сифатлар аниқланган ва уларнинг асар матнида ифодалаган лексик-семантик маънолари тилшунослик нуқтаи назардан таҳлил этилган.

Калит сўзлар: нисбий сифатлар, мавхум отлар, манд сўз ясовчи қўшимча, аржуманд, орзуманд, хирадманд.

Ўзбек адабий тилининг асосчиларидан бири, икки тилли буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий яшаб ижод этган даврда ҳам форс тилига эътибор кучли бўлиб, у назм тили деб ҳам тан олинган эди. Шу сабабли унинг асарлари тилида ўзбек адабий тили сўзлари билан бир қаторда форсча ўзлашмалар ҳам учрайди.

Шунинг учун ҳам биз ушбу мақоламизни Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони тилида шоир томонидан истифода этилган айрим форсча нисбий сифатларни аниқлаб, уларни тилшунослик нуқтаи назаридан маъно турларига кўра илмий таҳлил этишга бағишладик.

Шунингдек, шоир “Лайли ва Мажнун” достони тилида—манд қўшимчаси ёрдамида ясалган форсча нисбий сифатлардан ҳам унумли фойдаланган. Мазкур қўшимча асосан, мавхум отларга қўшилиб, улардан нарсага ёки хуссиятга эгаликни ифодаловчи ясама сифат ясайди”¹.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам ушбу қўшимча воситасида ясалган форсча сифатларнинг бир қанчаси ҳозирги кунда ўзлашма сўзлар қатори ўзбек тили сифатларига синоним тарзида қўлланиб келинмоқда.

Шунинг учун ҳам ўзбек адабий тили грамматикасида “-манд сўз ясовчи қўшимча воситасида ясалган сифатлар сўзнинг асоси ифодалаган нарса ва ҳолатга эгаликни билдиради”¹, деб таъриф берилади.

Фикримизга асос сифатида “Лайли ва Мажнун” достонидан иқтибослар келтирамиз:

Чун илм ила аржуманд бўлғай,

Офоқ аро сарбаланд бўлғай².

Лайли сари ишқи пок пайванд,

Қилғон эмиш они орзуманд³.

¹ Халилов Л. Форс тили. Тошкент, 1992, Б., 136.

² Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1992, Б., 223.

³ Ўша асар. Б., 46.

³ Ўша асар. Б., 124.

Этиб мен ўзумча ёру фарзанд,
Бўлмиш яна вокифу хирандманд⁴.

Ким, мен мени дардманди маҳжур,
То бўлғай отим қошингда мазкур⁵.

Асардан келтирилган байтларнинг биринчисида –манд аффикси ёрдамида ясалган форсча ясама сифатлардан “аржуман” қўлланилган. Бу сўз “арж” ва “манд” каби морфемаларга ажралади. Булардан “арж” сўз асоси бўлиб, “баҳо, нарх, қимматли нарса” каби маъноларни ифодаловчи мавҳум от ҳисобланади. “Арж”га “манд” қўшилиши натижасида “аржуманд” сўзи ясалган ва лексик жиҳатдан “баҳоли”, “нархли” каби маънони ифодаловчи сўзга айланган. Лекин асардан келтирилган байтда “аржуманд” сўзи ўз маъносида эмас, балки ҳурматли, қимматли” каби кўчма маъносида қўлланилган.

Байт:

Чун илм ила аржуманд бўлғай,
Офоқаро сарбаланд бўлғай.

Байтнинг мазмуни:

Киши илм олиб ҳурматли бўлгач, у ер юзида барча танийдиган улуғ инсонга айланади. Навбатдаги байтда худди шу тарика ясалган форсча “орзуманд” сўзи қўлланилган. Ушбу сўз таркибидаги “орзу” ўзак морфема бўлиб, сўзнинг асосини ташкил этади, лекин бу сўз ҳозирги ўзбек адабий тилида ўзлашма сўз бўлишига қарамасдан фаол истемолда бўлган лексима ҳисобланади ва ўзбек тилига “хоҳиш, истак” каби маънода таржима қилинади. Кўришиб турибдики, бу сўз ўз-ўзидан абстракт маънони ифодаловчи отдир, шоир ҳам бу сўзни “орзуманд” шаклида “хоҳловчи, истовчи” каби сўзлар ўрнида қўллаган ва гапда сифатнинг отга кўчган шаклида, аниқланмишнинг ўрнида ишлатган.

Байт:

Лайли сари ишқи пок пайванд,
Қилғон эмиш они орзуманд.

Байтнинг табдил этилган мазмуни: У Лайлига пок ишқи боғланишининг истовчиси бўлган.

Кейинги байтда худди шундай форсча ясама сифатлардан “хирадманд” сўзи қўлланилган. Бу сўз таркибидаги асос “хирад” бўлиб, у “билим, ақл” каби маънони ифодалайди. “Хирад” сўзига сифат ясовчи қўшимча – манднинг қўшилиши билан “билимли, ақлли каби маънони ифодаловчи от асосидан сифат ясалмоқда. Айрим ҳолларда “хирадманд” “донишманд” сўзи ўрнида ҳам қўлланиши мумкин, чунки бу сўз бир-бирига синоним ҳисобланади. Ушбу байтда мазкур сўз “донишман” сўзи ўрнида қўлланилган.

⁴ Ўша асар. Б., 125.

⁵ Ўша асар. Б., 140.

Байт:

Этиб мен ўзумча ёруфарзанд,
Бўлмиш яна воқифу хиракманд.

Байтнинг мазмуни:

Мендан хабар олувчи ва менданда донишманд (ақлли) бўлади – деб, мен ўзимга ёру фарзандлар қилдим.

Тўртинчи байтда “дард” асосидан ясалган форсча сифатлардан “дардманд” сўзи қўлланилган бўлиб, дард сўзи ўзбек тилига “оғриқ, азоб” каби маъноларда таржима қилинади. Шундай экан, “дардманд” сўзи “оғриқли, азобли” каби лексик маъноларни ифодаловчи ясама сифатдир. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, шоир ушбу сифатни ҳам аниқланмишсиз аниқланмишнинг ўрнида (сифатнинг отга кўчган ҳолатида) қўллаган.

Бунга байт ва байтнинг мазмуни асос бўла олади:

Байт:

Ким, мен мени дардманди маҳжур,
То бўлғай отим қошигда мазкур.

Байтнинг мазмуни:

Мен ташландиқ оғриқ чекувчи бўлсам ҳам, номим сенинг қошингда то абад қолади.

Асар тилида шоир отдан сифат ясовчи форсча –нок кўшимчаси воситасида ясалган ясама сифатлардан ҳам ўз ўрнида унумли фойдаланган:

Ким ҳар кишиники қилди ғамнок,

Ғамдин қилур ўйла қалбини пок¹.

Бир-бирига етиштилар ғазабнок,

Қатл этгали барча тунду бебок².

Ул кўнглини ҳажр чок қилғон,

Ғам жонини дарднок қилғон³.

Асардан мисол тариқасида келтирилган байтларнинг биринчисида –нок кўшимчаси ёрдамида ясалган форсча ясама сифатлардан “ғамнок” сўзи қўлланилган. Мазкур кўшимча отларга кўшилиб улардан ўзакда ифода этилган нарса ёки хусусиятга эгаликни ифодаловчи сифат ясайди⁴. Ушбу сўз таркибидаги “ғам” сўзи ўзак бўлиб, ўзбек тилига “ташвиш” каби маънода таржима қилинади. – нок кўшимчаси эса, ўзбек тилидаги сифат ясовчи кўшимча -линининг маъносига мос келади.

Байт:

Ким ҳар кишиники қилди ғамнок,

Ғамдин қилур ўйла қалбини пок.

¹ Ўша асар. Б., 119.

² Ўша асар. Б., 127.

³ Ўша асар. Б., 143.

⁴ Халилов Л.Форс тили. Тошкент, 1992. Б., 136.

Байтнинг мазмуни:

Кимки бир кишини ташвишли қилса (бошига ташвиш, ғам, кулфат ёғдирса), ўша ташвиш унинг қалбини поклайди.

Кейинги (иккинчи) байта худди шундай қўшимча воситасида ясалган “ғазабнок” сўзи қўлланилган. Бу сўзнинг асоси “ғазаб” бўлиб, “қахр, жаҳл” каби маънони ифодалайди. “Ғазабнок” шаклида эса “қахрли, жаҳлли” каби ясама сифатлар ифодалайдиган маънони англатади. Шоир ўз асари тилида ушбу сўзни худди шундай маънода ўзбек тили сифатларига синоним тарзида қўллаган.

Байт:

Бир-бирига етиштилар ғазабнок,

Қатл этгали барча тунду бебок.

Байтнинг мазмуни:

Улар бир-бирига ғазабли (қийинчилик билан) ҳолатда етишдилар, лекин уларни қатл эттириш учун барча қўрқувсиз шошилардилар.

Учинчи байтда “дарднок” форсча нисбий сифати қўлланилган, бу сўз ҳам ўзбек тилига лексик жиҳатдан “оғриқли, дардли” каби маънода таржима қилинади. Байт ва унинг мазмуни бунга тўлиқ асос бўла олади.

Байт:

Ул кўнглини ҳажр чок қилғон,

Ғам жонини дард+нок қилғон.

Байтнинг мазмуни:

Унинг кўнгли айрилиқдан чок бўлганлиги учун, жонини ғам-ташвиш дардли (оғриқли) қилган.

Юқорида кўриб чиқилган сифатлардан ташқари яна асар тилида худди шундай форсча ясама сифатлар куйидаги маъноларда қўлланилган:

Дилназир- ёқимли; париваиш- паридек, парига ўхшаиш; гамкаиш- қайғули; сияҳтоб- қорароқ; носазо- хунук, кўримсиз, ёмон; нотваон- заиф, ноудда; бардавом- давомли; зарбафт- зарбон, зарли; мўтамзада- қайғули; дилкаиш- кўркам, чиройли; дилрабо- жуда чиройли; шикуфта- хурсанд; пурфан- эпчил; ваҳшатангиз- қўрқинчли; паррон- учар; равон- текис, силлиқ; хужаста- бахтли; сарбаланд- ҳурматли, улуг; ҳунарвар- моҳир; сарафроз- мағрур; хушбуй- ёқимли; худруй- бегона, еввойи; маҳруҳ- жароҳатли; буррон- ўтқир, кесқир; мушкбу- яхши ҳидли; тангдил- гамгин, гамли; пурнур- нурли; дилбар- жуда чиройли; тандуруст- соғлом, кучли; симин- кумуш; анбарин- ҳидли; мискин- камбағал; рама- қўрқоқ, ҳуркоқ.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Алишер Навоий ўзининг барча асарлари тилида кўплаб форсча ясама сифатларни қўллаб, уларни ўзбек адабий тили лексиконига олиб кирди ва ўзбек тилининг синонимик имкониятини кенгайтирди, шунингдек, ўз асарлари тилини содда, жозибадор, чиройли ўша давр халқ тилига яқин бўлишини улар

воситасида таъминлади ҳамда форсча ўзлашмаларни ўз асарлари тилининг маъно ва шакл, қофия ва вазн мутаносиблигини таъминлашда хизмат қилдирди. Шунинг учун ҳам унинг асарлари тилида туркий адабий тил ўзининг кенг ифода имконияти ва бутун жозибаси билан тўлиқ номоён бўлганки, шоирнинг асарлари бутун жаҳон китобхонларига ўз шухрати билан танилди. Натижада Навоий ўзи яратган лирик асарлари мисолида ўзбек адабий тилини нафақат Мавороуннахр, Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон балки, бутун жаҳонга танилди ва ўша даврдаёқ ушбу тилда ҳам буюк-буюк назмий асарлар яратиш мумкин эканлигини асарлари тили мисолида исботлаб берди.